Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 110 (6. 301) ◉ 1987 йил 15 май, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИГА ҲАЁТГА!

Жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлидан

ЁШЛАР АҲДИ

Металл конструкциялар цехидан Юрий Асеев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ишчилари «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасида байрам олди меҳнат вахтасининг ғолибларини деб топилди. 9 Май арафасида июнь ойининг ишлаб чиқариш топшириғини бажарди. Плондан ташқари турли моделлардаги кранлар учун ўнлаб кабиналар тайёрланди.

— Ўтган уруш йилларида йигирма миллиондан ортиқ совет кишилари ҳалоқ бўлди, — дейди бригадир. — Ватан ҳимоячилари порлоқ келажак, бахт-саодатимиз учун ўлимга тик бордилар. Шунинг учун ҳам зарбдор меҳнатимизни шу кишилар Ватан уруши ветеранларига миннатдорчилик ифодаси деб биламиз.

Ю. Асеев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи беш йилликнинг икки йили плонинн Улуғ Октябрнинг 70 йиллигича бажаришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА САМАРАСИ

«Главташкентстрой»га қарашли 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармасидаги бу икки мусобақадош коллективни бирмайдиганлар кам. Чунки Баҳодир Акмалхўжаев ва Валерий Королев бошчилик қилаётган комплекс бригадаларнинг қурувчилари кўп йиллардан буён ажойиб меҳнат анъаналарига содиқлик билан иш юритиб келмоқдалар. Улар юқори натижаларга эришиш учун йил бошиданоқ мусобақа шартномасини белгилашган. Унда қурилиш-монтаж ишлари кўламини кенгайтириш, объектларни ишга тушириш муддатларини тезлаштириш билан биргаликда сифат билан боғлиқ масалалар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар иккала коллективда назорат қилиб борилмоқда. Ғолиб чиққан бригада пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланаётир.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган бу қутлуғ йилда мусобақадошлар янада ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Натижада ҳар иккала коллективда ҳам смена нормаси 115 процентга етказиб бажарилмоқда. Бунинг эвазига «Новоульяновск» ва «Измайлов» кўчаларида қад ростлаётган 400 ўринли ётоқхона ва 64 квартирали турар жой биноснда иш суръати тобора жадаллашмоқда. Бу объектлар 7 ноябрь байрамига қадар фойдаланишга топширилади.

М. ФЕЛЬДМАН.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

10-квартал — Юнусобод массивидаги энг кенжа кварталлардан бири ҳисобланади. Унинг чегараси Тошкент ҳалқа йўлига туташиб кетган. Яқинда бу ерда ислоҳот талабларига жавоб берадиган 1568 ўринли янги замонавий мактаб қурилди. Бинода қурилиш-монтаж ишлари ўтган йилнинг август ойида бошланган эди. Бунёдкорларнинг ғайрат-шижоати туфайли беш корпусли янги илм масканн муддатидан икки ой аввал битказилди.

— Корпуслар икки ва уч қаватдан иборат. Бу ўқувчиларга қулайликлар яратиши шубҳасиз, — дейди участка прораби Баҳодир Ортиқов. — Мактаб ичида жойлашган кинозалда ўқувчилар кино ва концерт кўришлари, қизиқарли лекцияларни тинглашлари мумкин. Лингофон хонасида эса чет тилидан рус тилига ва рус тилидан чет тилига таржима қилишда қўлланиладиган махсус аппаратлардан фойдаланилади. Мактаб қурилишида малакали бригада бошлиғи Казанацнинг хизматлари катта бўлди. У объектда ишни мунтазам икки сменада боришини таъминлаб турди. Натижада қурилиш ишлари жадаллашди. Бу бригада 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармасидаги энг яхши коллективлардан бири. Пардозлаш ишларини амалга оширишда шу қурилиш ташкилоти 53- ва 56-қурилиш бошқармалари пардозловчиларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Айни пайтда мактаб ҳовлиси ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: янги мактаб биносининг бир қисми.

Автор фотоси.



21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Маҳаллий Советларга бўлажак сайловлар тобора яқинлашмоқда. Сайлов участкаларида тараддуд қизғин. Агитпунктлар план асосида фаолият кўрсатмоқда. Лектор ва агитаторлар группалари аҳолини партия ва ҳукуматимизнинг муҳим ҳужжатлари билан таништириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, социал-маданий ривожланиши ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Сайловолди ишлари қизғин тус олган шу кунларда биз Чилонзор райондаги айрим сайлов участкаларида бўлдик.

Соат 19.00. 52-сайлов участкаси. Пештоқига «Агитпункт» деб ёзилган бинонинг кенг ва шинам залига кирганимизда агитпункт мудираси — В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юртининг директори Клара Солижонованн сайловчилар билан суҳбатлашиб турган чоғида учратдик. Бу ерда одамлар гавжум. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Столлар устидан совет қонунчилигига оид адабиётлар, газета-журналларнинг янги сонлари ўрин олган. Зал бурчагига рангли телевизор, радиоприёмник қўйилган. Телефонда навбатчи агитатор қиз савол-жавоб қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ҳаёт қайнайди.

— Сайловчиларнинг рўйхатини тузиб бўлганимизга ҳам анча вақт бўлди, — дейди К. Солижонова. — 79 нафар агитатор аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Билим юрти ўқитувчиларн Қ. Абдураҳмонов, Э. Никитиналар кун ора турли мавзуларда суҳбатлар уюштирмоқдалар. Бўлажак сайловларга доир тадбирлар билан бир қаторда «Ленин васиятларига содиқмиз», «Ленин, Октябрь, Партия» каби мавзуларда суҳбатлар ташкил этдик. Атеистик мавзудаги «Ислом ва Шарқ хотин-қизлари», «Зулматдан — зиёга», «Шарқ хотин-қизлари кеча ва бугун» лекцияларн сайловчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш агитаторларимиз Н. Струченко, Е. Губанова, Б. Имомова, У. Ҳошимова, Ҳ. Тўйчиевалар биринчи марта овоз бераётган сайловчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряптилар. «Советлар мамлакатида ёшларнинг ҳуқуқи», «Мен биринчи марта овоз бермоқдаман» мавзуидаги суҳбатлар ёш сайловчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Билим юрти бадиий ҳаваскорлари сайлов кунига ўз репертуар планини тайёрлашмоқда.

Мазкур сайлов участкасидан мамнун бўлиб чиқдик. Бироқ қувончимиз узоққа чўзилмади. Чунки 20-кварталдаги 50 ва 53-сайлов участкаларида бояги ибратли ишнинг бутунлай аксига дуч келдик. Келинг, яхшиси бир бошидан айтиб берайлик.

50-сайлов участкаси Тошкент радио-техникуми биносига жойлашган экан. «Агитпункт» деган ёзув кўрсаткич бармоқдек техникум касаба союзлари кабинетини кўрсатиб турарди. Ичкарига кирдик. Айлансанг елканг деворга тегадиган бу кабинетда бир ёш йигит сигарет чекиб ўтирар эди. У бизга ўзини навбатчи агитатор деб танитди. Исмшарифи Александр Мильто экан. Ундан агитпунктда қилинаётган ишлар тўғрисида сўрадик. Лекин у чайналиб жўяли бир сўз айтмади. Бошқа савол бермай, агитпункт мудирининг қаердалигини сўрганимизда елка қисиб: «Ҳозир шу ерда эди» деб жавоб қилди. Бу ер сайлов участкаси эканлигига кишининг сира ишонгиси келмайди. Бир варақ оқ қоғоздаги 30 чоғли агитаторлар рўйхати ва деворга осиб қўйилган махсус планни ҳисобга олмаганда, ҳеч вақо бундан далолат бермайди.

Шу кварталдаги 53-сайлов участкаси олдида 50-сайлов участкаси ҳолва экан. Кеч соат 20.00. Айни сайловчилар билан мулоқотда бўладиган, участка аҳолисининг таклиф ва истакларини инобатга олиб, тушунтириш ишлари қизғин олиб бориладиган палла. Мактаб фойесига қадам қўяр эканмиз, фаррош аёл Азиза Иброҳимовадан бошқа ҳеч ким қолмаганлиги аён бўлди. Биз Азизахондан агитпунктни кўрсатишини илтимос қилдик. Аввалига у: «Нима қиласизлар? Мен ҳозир у ерни ювиб чиқдим. Ҳеч ким йўқ!», деб эътироз билдирди. Биз фақат агитпунктга бирров кўз ташлаб қўйишимизни айтганимиздан сўнг калитни беради.

Агитпункт директор ўринбосарининг хонаси экан. Бу ерда ўқув қуролларидан бошқа ҳеч қандай жиҳозлар йўқ. «Сайловга ҳали бир ойдан ортиқ вақт борку, нима қилиб юрибсиз?» деб ажабланди фаррош аёл.

Сайловолди ишлари кенг кўламда олиб борилаётган шу кунларда мазкур участкалардаги аҳвол кишини ажаблантиради. Наҳотки, район партия ва совет ташкилотлари бундан бехабар бўлсалар, деган савол туғилади. Қайта қуриш ва ошкоралик тобора чуқур илдиз отиб бораётган айни кунларда бундай лоқайдликни қандай баҳолаш мумкин?!

Р. АКБАРАЛИЕВ,

«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Фаоллик кўрсатиб

«Ташсельмаш» заводининг йигувчи слесарлари В. Трофимов билан В. Бобилев агитпунктга навбатчилик қилиш учун келар эканлар, микрорайонда истиқомат қилувчи сайловчиларга кўп нарсалар ҳақида гапириб бера оладилар. Айниқса завод уй-жой шаҳарчасида, микрорайонда юз бераётган ўзгаришлар, социал жиҳатдан қайта қуришлар ҳақида сўзлаб берадилар. Чунки уларнинг ўзлари мана шу ишларда фаол қатнашганлар.

Масалан, болалар боғчаларини ободонлаштиришни. Улар ҳовлидаги майдончаларни заводда тайёрланган спорт анжомлари билан жиҳозладилар. Бундай анжомлар комплектини халқ истеъмол товарлари цехида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ишчиларнинг ўзлари қатнашишлари билан ишлаб чиқаришдаги меҳнат ва дам олиш шароитлари кўп жиҳатдан ўзгарди — цехларнинг ҳаммасида руҳий дам олиш хоналари бўлган маший комплекслар ташкил этилди, қўшимча ошхона, буфет очилди, завод ётоқхонаси яна ҳам шинамроқ бўлди.

— Биз ўзимизнинг агитация ишимизни сайловлар ўртасидаги даврда рўй берган конкрет ўзгаришларни яққол намойиш этиш асосида олиб бормоқдамиз, — дейди агитпункт мудираси Е. В. Риженкова. — Мамлакатимизда қайта қуриш, жамиятни янада демократлаштириш қандай бораётганлиги ҳақида ҳам гапириб берамиз. Сайловчилар учун махсус адабиётлар танланган, юристлар, врачларнинг консультациялари ташкил этилган.

(ЎзТАГ мухбири).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1987 йил биринчи кварталида уй-жой ва социал-маданий аҳамиятдаги объектлар қурилиши планларини муваффақиятли бажариш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳар ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари Самарқанд областига, Тошкент шаҳрининг Сергели районига, Сурхондарё областининг Шеробод районига берилди.

Қардошлик қонунига биноан

Совғалар жўнатилди

Пискент, Ғалаба, Оҳангарон районларининг тошқиндан зарар кўрганини эшитган Тошкент марказий телеграфи комсомол-ёшлари уларга ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйлаб қолдилар. Роман Холматов, Ирина Тяткова, Саодат Носирбекова, Виннер Зайфулинлар каби комсомолларнинг ташаббуси билан цехларда митинг ўтказилди. Уларнинг ташаббусларини барча телеграфчилар бир овоздан маъқуллашди.

Тез кунда оловқалбларнинг тадбиркорлиги туфайли 632 сўм йиғилди. Бу пулларга болалар кийим-кечаклари, дафтарлар, қаламлар сотиб олиниб, тошқинда қолган оилалар фарзандларига жўнатилди. Шу кунларда зарбдорчасига меҳнат қилаётган алоқачи ёшлар зарар кўрганларга ёрдам кўрсатишни давом эттиришга аҳд қилдилар.

М. ҲИКМАТОВА.

Эл бошига иш тушса

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг ишчилари қисқа вақт ичида янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бу ердан бир ҳафта мобайнида 2 минг сўмлик юзлаб пахтали кўрпалар тайёрланди. Корхона меҳнаткашлари корхона учун одатдан ташқари бўлган бу маҳсулотни Тошкент областининг сув тошқинидан жабрланган Пискент ва Ғалаба районларига жўнатдилар. Кўрпалар тежалган материаллардан, ишдан ташқари вақтларда ва дам олиш кунлари тикилди. Шанбаликларда бир ярим минг киши иштирок этди.

(ЎзТАГ).

«Болалар—менинг қувончим»

Муаллим. Мураббий. Устоз. Ўқитувчи... Булар турлича ёзилса ҳам мазмуни, хизмати битта. Бир инсонни вояга етказиш, унга оқ-қоранн таништиш, билим бериш, жамият ривожи учун муносиб авлод етиштиришдан иборат. Совет ҳокимияти эндигина оёққа турган кезлардаёқ мазкур касб эгаларн Туркистон ўлкасида кишиларни саводли қилиш йўлида жон фидо этишган. Эндиликда ўқитувчилик касби мамлакатимизда энг олийжаноб касблардан бирига айланди. Унга меҳр қўювчилар сафи кенгайди. Ўшалардан бири — Маҳбуба Пўлатовадир.

Маҳбуба опа мана ўн тўрт йилдан бери Чилонзор районидаги 200-мактабда болаларга рус тили ва адабиётидан билим бермоқда. Иккинчи она тилимизни мукаммал билиш ҳар бир совет гражданининг олий мақсадидир. Ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам унга меҳр қўйган кишилар оз эмас.

— Мен ўз касбимни жуда севаман, — дейди М. Пўлатова. — Ўқитувчилик касбига меҳр мактаб партасида ўтирган кезларимдаёқ уйғонганди. Лекин орзуимга эришиш учун анча йил машаққат чекишимга тўғри келди. Ўрта мактабни тугатгач, бошқа соҳада ишладим. Аммо ҳар гал мактаблар олдидан ўтганимда бўйнида чўғдек галстук порлаган пионерларни, кўксига комсомол нишонини таққан йигит-қизларни кўрганимда юрагим орзиқиб тушар, уларга узоқ тикилиб қолардим. Бу орзу, бу истак ниҳоят мени Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига олиб борди. Уни сиртдан тугатдим.

М. Пўлатова мактабга биринчи бор дарс бериш учун келган вақтини қувонч билан эслайди. Ўшанда болалар унн диққат билан тинглаб ўтиришн муаллимнинг ҳазжонини бироз бўлсада юмшатган эди. Унутилмас ўша онлар эса Маҳбуба опанн ҳаётга қайтадан келтиргандек бўлганди. Ҳозир ҳам мактабни битириб кетган ўқувчиларнинг учратганда унн яна ҳазжон босади. Ахир нега ҳам ҳазжонланмасин. Деярли ҳамма ўқувчилари олий маълумотли, кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлаган-да.

Ҳаёт қувончи, албатта, онла билан. Маҳбуба опа онласидан мамнун. Онласидагилар турли касб эгаларн. Турмуш ўртоғи Убайдулла ака — шофёр. Тўнғич фарзанди Равшан ҳозир Совет Армияси сафида, Дилором — ҳизматчи, Улуғбек — шаҳримиздаги 30-ҳунар-техника билим юрти талабаси, кенжатойн — Ҳамидулла эса 3-синф ўқувчиси.

Маҳбуба опа мактаб коллективн ўртасида ўзининг билимдонлиги, камтарлиги, очиқ кўнгиллилиги билан обрў қозонган. Шунинг учун касбдошлари унн Республика ўқитувчиларининг VII съездига делегат қилиб сайлашган.

Д. ЖАЛОЛОВ.

СУРАТДА: М. Пўлатова.

С. Мамажонов ва Т. Каримов фотоси.

ЎҚУВ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Тошкент Давлат маданият институтининг студентлар ўқув театри саҳнасида Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедияси ижро этилди. Бу асарни маданий-оқартув ишлари факультетининг ҳаваскорлик театрлари режиссёрлиги группаси IV курс студентлари намойиш қилдилар. Асарни курснинг бадиий раҳбарлари —санъатшунослик кандидати, катта ўқитувчи М. Убайдуллаев ва катта ўқитувчи Ф. Ашрафхўжаев саҳналаштирган. Студентлар эгаллаган билимлари асосида классик асарнинг туб моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдилар. Б. Умаров, Ш. Шодижонова, А. Усмоновлар ролларни маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилдилар. Образ олдига қўйилган мақсад, унинг вазифаси, характерини очиб беришга интилдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон» асари асосида кўрсатилган театрлаштирилган бадиий композиция ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Бугун—Тошкентда республика ўқитувчиларининг VII съезди очилди

ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА ЯШАЙЛИК ВА ИШЛАЙЛИК

Бугун Тошкентда бўлиб ўтаётган Ягона сиёсий куннинг мавзуи ана шундай.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ

13 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

Тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 11-13 май кунлари Бойқўнғир космодромида ва Қозоғистон ССРнинг Ленинск шаҳрида бўлди.

М. С. Горбачев ана шу жойларда бўлган чоғида олимлар, мутахассислар, ишчилар, инженер-техник ходимлар билан, шунингдек шаҳар аҳолиси билан кўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлар ўтказди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

М. С. Горбачев космодромга қўйилган космик техника намуналари билан танишди.

Маҳаллий Маданият саройида М. С. Горбачев космодром ва Ленинск шаҳри меҳнат коллективларининг вакиллари билан учрашди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг мазкур учрашувдаги нутқи бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мойли ўсимликлар уруғи ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Ана шу қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинмоқда.

● Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ўқитувчилари VII съезди делегатларига йўллаган табриги берилган.

Телетайп лентасидан

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида социалистик мамлакатлар юстиция министрларининг ўн тўққизинчи кенгаши иш бошлади. Бу анжуманда социалистик ҳамдўстлик давлатлари ҳуқуқий ҳаёти ва юридик муассасаларининг вазифалари муҳокама қилинади. ВХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Лайош Цинеге кенгаш иштирокчиларини табриклаб, қардош социалистик мамлакатларда ҳозирги вақтда содир бўлаётган ўзгаришлар, социалистик демократияни чуқурлаштириш жараёни юридик муассасалар олдига алоҳида вазифалар қўйишини таъкидлади. У бу галги кенгаш ана шу йўналишдаги иш муваффақиятига катта ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч изҳор қилди.

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси кўпчилик овоз билан сешанба куни президент Рейганнинг «Самовий уруш»лар программасига маблағ ажратишни кўпайтиришга эришиш учун уринишларини рад этди. Конгресс аъзолари 1988 молия йилида стратегик мудофаа ташаббуси эҳтиёжлари учун маблағни 5,7 миллиард доллар кўпайтиришни кўзда тутаётган тузатишни қабул қилмадилар. Вакиллар палатасининг қуролли кучлар ишлари бўйича комитет маъмуриятига ана шу мақсадлар учун 3,6 миллиард доллар ажратишни тавсия этди. Овоз бериш чоғида демократлар билан бир қаторда республика партиясидан сайланган 55 конгресс аъзоси ҳам ана шу тузатишга қарши чиққанлиги эътиборга сазовордир.

* * *

ПАРИЖ. Американинг махсус хизмат маҳкамалари ҳарбий жиноятчи Клаус Барбьедан фойдаланганликлари ҳақида фашист жаллоди устидан суд бўлаётган Лион шаҳридан янги маълумотлар келди. Гувоҳлик бериш учун Лионга келган Америка разведкасининг собиқ офицери Эрхард Дэбринхауз Рейтер агентлиги мухбири билан суҳбатда оккупация қилинган Германия территориясидаги «коммунистик группаларга» кириш учун қирқинчи йилларнинг охирларида Барбье хизматидан фойдаланганлигини айтди. Дэбринхауз беорлик билан бундай деди: «Агар мабодо ҳузуримга шайтоннинг ўзи келганида ҳам мен унинг хизматидан фойдаланган бўлур эдим. Аслида ҳам мен шайтон хизматидан фойдаландим».

* * *

ҚОҲИРА. Миср пойтахтида Африка касаба союзлари бирлиги ташкилоти бош кенгашининг мажлиси очилди. Бу анжуманда 51 касаба союз бирлашмасидан делегатлар иштирок этмоқдалар. Мажлис кун тартибида Африка давлатлари ташқи қарздорлиги проблемаси, ўз мамлакатлари тараққиёти йўлидаги иқтисодий ва социал қийинчиликларни бартараф этишда касаба союзларининг иштироки масалалари бор. Бош кенгаш шунингдек Жанубий Африка меҳнаткашларининг ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги ва претория режимининг Африкадаги кўпчилик аҳолига нисбатан тутаётган ирқчилик сиёсати тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқади. Мажлис очилишида нутқ сўзлаган Миср Араб Республикаси бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Исмат Абдил Магид Африка давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш улар бошидан кечираётган қийинчиликларни ҳал этишнинг асосий йўлидир, деб таъкидлади.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

КОЛЛЕКТИВ ИШОНЧИ

... Умумий йиғилиш кун тартибидан янги бошлиқни сайлаш масаласи ўрин олганди. Номзодлар ҳам кўп эмас, бор-йўғи икки киши. Биринчиси елкасида бой тажриба, иккинчиси эса ёш, иқтидорли. Ҳар иккисининг номзодини коллективнинг ўзи тавсия этган...

«Узтранспишчепром» бирлашмасида КПСС XXVII съездидан кейин кадрларни аттестациядан ўтказиш, айниқса КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумидан кейин кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ўзига хос сайлов системасини ўтказиш одат тусига кирди. Ишлаб турган турли лавозимдаги кадрлар ҳақиқатан ҳам ўз лавозимига лойиқми-йўқми, у бугунги кун талабига жавоб берадими-йўқми, ўз коллективида ишни қайта қура оладими-йўқми, коллектив унга қандай ишонч билдиради — буларнинг ҳаммаси демократия асосида ўтказилаётган ўзига хос сайловларнинг мазмунини ташкил этарди...

Бирлашманинг 5-автоколоннасида кейинги пайтда беш нафар раҳбар ўзгарди-ю, аммо ишда силжиш бўлмади. Автоколоннада ишлар бўшашиб кетганди. Планлар ўлдажўлда қолди. Тартиб-интизом йўқолди, прогулчилар сони эса ортди. Автоколоннанинг моддий-техника базаси эса «ҳолдан тойиб», ремонт ишлари четга сурилиб, эҳтиёт қисмлар етишмай қолди. Буюртмачи корхоналар эса кўрсатилаётган транспорт хизматидан норози эдилар. Чунки мавжуд техникадан кўпи турли сабабларга кўра линияга чиқмай қоларди. Озиқ-овқат саноати корхоналарини эса бу мутлақо қаноатлантирмасди... Танг аҳвол «Узпишчепромтранс» бирлашмаси раҳбарларини ташвишга солмай иложи йўқ эди...

Бирдан автоколоннага янги бошлиқ тайинланди. Ҳайдовчилар олдингиси нима «каромат» кўрсатган эдики, бунисидан нима ҳам қилиб берарди, дея бехафсала қўл силташди.

Аммо янги бошлиқнинг елкасида бой тажриба бор экан. У бир неча йиллардан буён бирлашмада турли лавозимларда ишлаб, обдан «пишган» эди. Одатда тажрибали, ишбилармон кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам «танг» аҳволни бартараф этишга, ўз ортидан коллективни янги марралар сари эргаштира олишга қодир бўладилар. Шунинг учун ҳам коллектив бундай кишиларни доимо ҳурмат қиладию ва қадрлайди. Янги бошлиқ енг шимариб ишга киришиб кетди. Негаки, коммунист Омонжон Каримов партия топшириғи билан бу ерга келган эди. У автоколоннани қолоқликдан олиб чиқиши керак.

Тезда ишлар жонланиб қолди, у ҳар бир ҳайдовчи қалбига йўл топа олди. Каримов ширинсуханлиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, техниканк яхши билиши билан ишчиларни ўзига ром этарди. Ҳар ким виждонан, ҳалол ишлашга киришиб кетди. Қўшиб ёзиш деган ярамас одатларга чек қўйилди. Интизом тубдан яхшиланди. Дарвоқе, ҳар бир муваффақият замирида энг аввало интизом ётади. Ойлик планлар бирин-кетин бажарила бошланди. «Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, автоколонна ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, бирлашма кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Бу йил эса биринчи квартал плани ҳам ортиғи билан уддаланди. Буюртмачиларга шартномага биноан аъло хизмат кўрсатилди, озиқ-овқат маҳсулотларни ўз вақтида савдо ташкилотларига етказиб берилди. Албатта бунда ҳайдовчилар тили билан айтганда, «командировка» қилинган вакилнинг ҳам ҳиссаси бор эди... Шу боисдан бугун бўладиган сайловга унинг ҳам номзоди яна кўрсатилган эди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми кадрлар билан ишлаш ва уларни жой-жойига қўйишда социализмга хос бўлган демократик формаларни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболларини очиб берди. Шу боис меҳнат коллективларида ишчи синфининг энг илғор, ишбилармон, ташаббускор вакилларини раҳбарлик лавозимларига умумий йиғилишларда демократия асосида сайлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Мана бугун ҳам ўзига хос сайлов. Коллектив ишончи бу — катта бахт. Уни эса оқлаш учун фақат фидокорона меҳнат қилиш, даъваткор кучга эга бўла билиш лозим.

Йиғилишдан олдин ишчилар икки номзодни роса «гапиришдан» ўтказишди. Чунки улар номзодларга берилган ишлаб чиқариш характеристикалари билан яқиндан танишиб олдилар. Йиғилишга раислик қилувчи — бирлашма партия ташкилоти секретари М. Отаев йиғилганларга «Яна бошқа номзодлар борми!» дея мурожаат қилди. Акс садо бўлмади. Ҳайдовчилар фақат икки номзодни кўрсатишди. Мунозара бошланди.

— Омонжон Каримовнинг автоколоннамизга келганига бир йилча ҳам бўлганми йўқ,— деди илғор шофёр В. Майер. — Лекин қисқа вақт ичида у одамлар қалбига йўл топа олди. Ўз ишини яхши билади. Ташаббускор. Янгича ишлашга даъват эта олади. Уйлайманки у ўз ишини эплаяпти.

— Тўғри, — деди коммунист шофёр Н. Қурбонов. — Каримов техниканинг тилини яхши билади, коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиб юборди. Ишларимиз юришиб кетди. Мана у коллективимизни хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашга даъват этмоқда.

Слесарлар бригадаси бошлиғи Т. Жувонмардиев, слесарь А. Худаков ва бошқалар ҳам ҳар иккисининг фикрини қўллаб-қувватлашди.

Шофёрлар иккинчи номзод — автоколонна инженер-механиги Қудрат Назаров тўғрисида ҳам яхши фикрлар билдиришди. У ҳали ёш, ўз ишига виждонан ёндошади, ишини яхши билади, ҳалол, меҳнаткашлиги билан коллективда ҳурмат қозонган, — дейишди ҳайдовчилар бир овоздан. Бу ерда ҳозир бўлган бирлашма бош директори Г. В. Прилипко, бош инженер А. А. Айриев ва бошқалар ҳам ҳар икки номзод тўғрисида илиқ гапларни айтишди.

Йиғилишга раислик қилувчи ҳар икки овозни «ёпиқ» усулда овозга қўйишни таклиф этди. Ҳаммага бюллетень тарқатилди. Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳисоб комиссияси иш олиб боргунча бирлашманинг бўлажак конференциясига 5- автоколоннадан очиқ овоз билан делегатлар сайланди.

Мана чизилган, ўчирилган бюллетень-қоғозчалар санаб чиқилди. Кўпчилик овоз билан коммунист Омонжон Турсунович Каримов 5-автоколонна бошлиғи этиб сайланди. Йиғилганлар қарсаклар билан уни муборакбод этишди.

У ҳаяжонда эди, албатта. Бу табиий. Унга коллектив яна бир бор ишонч билдирди. Ишчилар унга суяниши мумкинлигини, унга ишонишмоқда. Демак, у уларни ўз ортидан янги марралар сари, янгича ишлаш сари отлантира олади. Энг муҳими ҳам шунда!

Т. ТОШЕВ.

«Тошкент оқшоми» мухбири.

Газетанинг шу сонига интервью

ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ҲАМ ЭЪЗОЗЛАНМОҚДА

Шу ойнинг бошидан якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонун кучга кирди. «Оқшом» мухбири Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бўлимининг мудири С. С. Бузрукхўжаевга мурожаат этиб, шаҳримизда ана шу Қонун амалда қандай қўлланилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Сайфуддин Султонович, маълумки, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонун кучга кирмасдан олдиноқ якка тартибдаги меҳнат фаолияти учун аризалар қабул қилина бошланган эди. Қонун кучга киргандан сўнг аризалар сони кўпайдими? Шаҳарда қанча киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирди?

— Биринчи саволингизга жавоб: Қонун кучга киргандан сўнг у ёки бу турдаги якка меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун патент сотиб олиш истагини билдирганлар сони муайян даражада кўпайди. Илгари ман этилган айрим меҳнат фаолияти турларига рухсат берилганлиги учун ана шундай бўлди, деб ўйлайман.

Бугунгача шаҳарда 300 га яқин киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун рўйхатга гувоҳномасини олди, яна 150 дан зиёд киши патент сотиб олди ёки уни сотиб олиш учун ариза берди. Тахминимизга кўра, шу йилнинг охирига бориб якка тартибда меҳнат билан шуғулланувчилар сони минг кишидан ошади.

— Якка тартибдаги фаолият учун рухсат берилмаган ҳоллар ҳам борми?

— Ҳа, бор. Айрим ҳолларда рухсат берувчи комиссиялар гражданларга якка тартибда меҳнат билан шуғулланишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилаяпти. Масалан, узрли сабабсиз ижтимоий ишлар чиқаришда банд бўлмаган, тегишли малакаси бўлмаган гражданлар билан шундай бўлди.

— Комиссиялар район ижроия комитетлари ҳузурида ишлаяптими?

— Худди шундай. 1987 йил 1 апрелдан бошлаб шаҳарнинг барча район ижроия комитетларида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат берувчи комиссиялар ташкил этилган. Район ижроия комитетларида аризаларнинг қабул қилиниши ва рўйхатга олиниши, комиссияларнинг иш тартиби кўрсатилган эълонлар осиб қўйилган. Уларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг асосий қоидалари ҳам ёзилган. Бир йўла молия органлари яшаш жойларида, маҳаллаларда ва айрим уй бошқармаларида тушунтириш ишларини олиб боришди.

Район ижроия комитети комиссияси ҳафтада бир марта аризаларни кўриб чиқиб, у ёки бу қарорни қабул қилади. Рухсат бермай рад этилган ҳар бир ҳол узрли, асосланган бўлиши лозим. Асосланмаган ҳар бир рад жавоби юзасидан гражданлар Қонуннинг 6-моддасига биноан шикоят қилишлари мумкин.

— Шаҳримизда якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг неча турига рухсат берилган?

— Қонун билан ҳунармандчиликнинг 34 хилига рухсат берилган. Шулардан 26 таси учун патентни сотиб олиш, саккиз тури учун эса рўйхат гувоҳномасини олиш талаб этилади. Қонунда қайд этилган фаолият турларидан ташқари шаҳарда шам, бут, черков анжомлари, паранжи, чачвон тайёрлаш ва реализация қилиш, турли босма ва фотомаҳсулотларни кўпайтириш, грампластинкаларни кўп нусхаларда тайёрлаш, кино ва видеофильмларни, магнит ёзувларини кўпайтириш, пиллани қайта ишлаш, химиявий, ип-газлама ва бошқа товарлардан газлама ва бошқа буюмларни тайёрлаш ҳамда реализация қилиш таъқиқланган фаолият турларига киради.

— Бугунги кунда якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг қайси турлари шаҳримизда энг кўп тарқалган?

— Кийим-кечак тикиш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти кенг ёйилди. Ҳозиргача ана шу иш билан шуғулланиш истагини билдирган 48 киши рўйхатга олинди. Миллий нонлар ёпиш ва реализация қилиш учун рухсатнома сўралган аризалар, айниқса, кўп. Ана шундай истак баён этилган 200 ариза қабул қилинди. Бу тушунарли, албатта. Чунки бу нонларга тошкентликлар ўртасида талаб катта бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. «Оқшом» газеталарида хабар қилинганидек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ана шундай фаолият билан шуғулланувчи гражданларнинг даромадини таҳлил этди ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига амал қилиб, ўз ҳуқуқидан фойдаланди, шу аснода 6 майдан бошлаб нон ёпиш ва реализация қилиш учун патент ҳақини 1400 сўмдан 980 сўмга ёки 30 процентга камайтиришга қарор қилди. Бу оғир эмас — ойига 82 сўм, бир кунга 2 сўм 70 тийин деган гап. Бунинг устига шартномага мувофиқ шартнома неча ойга тузилган бўлса ана шу ойлар учунгина ҳақ тўласа бўлади. Бундан ташқари шу хилдаги фаолият учун патент эмас, рўйхат гувоҳномасини олиб, даромаддан келиб чиққан ҳолда солиқ тўлаш мумкин. Шунинг учун яқин орада нон ёпиш ва реализация қилиш билан шуғулланиш истагини билдирган гражданлар сони 350 нафаргача кўпаяди, ҳатто бундан ҳам ошиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Посилка жўнатиладиган қутилар тайёрлаш учун 22 гувоҳнома берилди, пойафзал ремонти учун — 22, тўқувчилик учун — 17, галантерея ремонти учун — 16 патент сотилди. Миллий болалар бешик ва беланчакларини тайёрлаш учун — 16, тунукасозлик ишлари учун — 15, эшик ва ром тайёрлаш учун — 14, ёғоч ўймакорлиги ишлари учун 15 гувоҳнома берилди. Патент ёки рўйхат гувоҳномасини олиш учун ариза берганлар орасида автомобиль ремонти, бош кийимлар, миллий сандиқлар тайёрловчи мутахассислар, врачлар, ўқитувчилар, сураткашлар ва бошқа касб эгалари бор.

— Якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланишга қарор қилган гражданларга қандай ёрдам берилади?

— Якка тартибдаги фаолият соҳасида самарали ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, район ижроия комитетлари томонидан айрим тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, якка тартибда тайёрланган маҳсулотларни реализация қилишда ёрдам бериш учун шаҳардаги саккизта комиссион магазинда ана шу маҳсулотлар сотиладиган махсус секциялар очилди. Шаҳардаги энг катта олти бозорда якка тартибда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдоси учун махсус ободонлаштирилган жойлар ажратилган.


Умумий савдо майдони 300 квадрат метрдан зиёд бўлган ихтисослашган «Моҳир қўллар», «Ёш техник» магазинлари ишлаб чиқариш чиқиндиларини, кондицияга тўғри келмаган хом ашё ва материалларни реализация қилиш бўйича шаҳар саноат корхоналари билан шартномалар тузилди.

Биз кўрилган бу чоралар етарли эмаслигини тушунамиз. Шунинг учун якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланувчиларга ёрдамни кучайтиришни мўлжаллаяпмиз. Масалан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти йўли билан товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган дастгоҳлар ва жиҳозлар, бошқа воситалар прокатга бериладиган пунктлар ташкил этишни режалаштиряпмиз. Ижарага берилиши мумкин бўлган хоналарни аниқлаш ва кўздан кечириш белгиланган. Қонуннинг амалда қўлланилиши яна бошқа имкониятларни келтириб чиқаради. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини такомиллаштириш соҳасида оқшомхонлар ҳам ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришлари мумкин.

Шак-шубҳасиз, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга даъват этилган якка тартибдаги меҳнатнинг янада ривож топишига СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларга кредитлар бериш тўғрисида»ги қарори ҳам ёрдам беради. Ана шу қарорда СССР давлат банкига хом ашё, материал, асбобларни сотиб олиш, бошқа мулклар ҳақини тўлаш учун кредит беришга рухсат этилади.

Суҳбатни В. АРКАДЬЕВ ёзиб олди.

БИНОКОРЛАР ШИЖОАТИ





Сергей объектга етиб келганида ҳали ҳамма қурувчилар коржомаларини кийиб улгуришмаганди. У атрофга назар солди-ю, қилинадиган ишлар юзасидан касбдошлари билан маслаҳатлашиб оладиган бўлди. Кўп ўтмай ҳамма бир жойга тўпланди. Сергей объектнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни ишга тушириш муддатларини тезлаштириш лозимлигини уқтирди. Коллектив аъзолари ўз етакчиларининг фикрини қўллаб-қувватладилар. Қурувчилар дастлабки цикл ишларини тезлик билан бажаришга киришдилар. Орадан бир неча кун ўтгач бинонинг пойдевори тиклана бошланди. Бугунги кунда врачлар малакасини ошириш институтининг янги биноси атрофга алоҳида кўрк бағишламоқда. Унда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Иш суръатини жадаллаштириш ва қурувчиларнинг зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаётганликлари ёрдам бермоқда.

Бу объект — 8-қурилиш трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасидаги Сергей Политаев бошлиқ бригада қурувчиларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига муносиб армуғони бўлади. Бу ерда саломатлик посбонларининг касб маҳоратини оширишлари учун барча қулайликлар ҳозир этилади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Сергей Политаев ва монтажчи Виктор Артёмкин; объектнинг ташқи кўриниши.

Х. Солиҳов фотолари.

ЯНГИ МАГАЗИН ОЧИЛДИ

Тўқимачилик комбинати ишчилари учун яна бир қулайлик яратилди. 2-йигирув-тўқув фабрикаси қошида очилган янги озиқ-овқат магазини корхона ишчи-хизматчиларини беҳад мамнун этди. Ишчилар янги магазиндан гўшт, сабзавот ва кенг ассортиментдаги турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилмоқдалар. «Тўқимачи» совхозида етиштирилган янги узилган қарам уларни айниқса қувонтиряпти.

— Озиқ-овқат магазини ёнида алоҳида сабзавот дўконининг очилиши, биз, тўқимачи аёллар учун яна бир ғамхўрликдир, — дейди 3-цех ишчиси Мамагул Тожиматова. — Сменадан чиққач, уйга зарур озиқ-овқат маҳсулотларини шу ернинг ўзидан харид қилиб кетамиз.

Ҳадемай, ўлкамизда ёз мавсуми бошланади. «Тўқимачи» совхози мириштарлари комбинат ишчи ва хизматчиларини турли ноз-неъматлар билан таъмин этиш тараддудини кўришмоқда.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

«ЎН УЧИНЧИ» БРИГАДАГА ҚАЙТДИ

Тошкент экскаватор бирлашмасидаги 12 нафар универсал токарь: «Ўртоқларимдан бирортаси бузса, мени ҳам мукофотдан маҳрум этишларингизни сўрайман», деган ариза ёзди. Бир киши, Ринат Галимов: ўзим учун жавоб беришга тайёрману, лекин бошқаларнинг кафолатини ололмайман, деди ва бригададан кетиб қолди.

Бултур куза биз «бригада бир ёқадан бош чиқариб» деган мақолада шундай деб ёзган эдик. Ўшанда Дмитрий Поярков бригадаси Ринатни қораламади. Чунки ишчилар қилаётган иш ихтиёрий эди. Энди бўлса улар фахрлана оладилар: уларнинг ёзилмаган қонуни КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнат ва жамоат интизоми учун коллектив кафолоти ҳаракати тўғрисида»ги қарори билан мустаҳкамланди.

Механика цехининг ишчилари иш ҳақларини умумий интизомга боғлиқ қилиб қўйиш қарорига бирдан келишмади. Биргина Ринат эмас, кўпчилик ҳам шубҳада эди.

Ринат бригададан кетаётиб, ҳамма учун жавоб беришга тайёр эмасман, деб ростини гапирди. Яна бир киши ичкиликка ружу қилганлиги учун ишдан кетди. Ўртоғига ўзидек ишонадиган ишчи шарафи қуруқ гап эмас, балки ҳаёт қонуни эканини биладиган кишилар-гина қолишди.

—Қийинчиликлардан ўтиб кетгандек эдик,— деб эслайди Поярков. — Ҳаммамиз юксак малакали мутахассислармиз. Ишлай олишимизни Бутуниттифоқ мусобақаси ҳам тасдиқлади: сурункасига уч йил соҳада биринчи бўлдик. Лекин кўпроқ нарсага эришганимиз сайин проблемалар ҳам кўпайиб бормоқда...

Бригада икки йил мобайнида мутлақо браксиз ишлади. Чакки эмасди. Лекин иш ҳажми кўпайтирилишини сўраб қолишди. Шундай қилиб, Қибрай филиалидан бригадага қўшимча иш олиб беришди. Бу нимага керак эди?

— Гап иш ҳақи кўпайганида эмасди, — деди Геннадий Кулоков. — Деталлар, аниқроғи қилиб айтсак, заготовкалар бари бир бизга келтирилар ва уларнинг «расамадини» келтиришимизга тўғри келарди. Шундай бўлгач, бу деталларни ясашни зиммамизга олиб қўяқолсак бўлмайдими?

Келаси йилдан «Ташэкс» бирлашмаси давлат қабули шароитида ишлашга ўтади. Ҳозир эса коллективнинг аҳволи танг. Бирлашма составига яна иккита завод — Кентов экскаватор заводи билан Жамбул коммунал машинасозлик заводи киритилди. Қайта ташкил этиш давомида ҳом ашё вақтида келмай қўйди ва «Ташэкс» квартал планини атиги 65 процент бажарди. Лекин Тошкентдаги бош завод «100» рақамига атиги 2 процент етказа олмади. Лекин бирлашма умуман 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот қарз бўлиб қолди.

— Асосан бир маромда ишламаслик сабабли планни уддалай олмадик. Шунинг учун ҳам Поярков бригадаси муқим муваффақиятли ишлаб келаётганлиги билан ўрнак кўрсатиши айниқса қимматлидир. Бу бригада ҳар биримиз ўз жойимизда нима ишлар қила олишга қодир эканлигимизни яққол кўрсатмоқда, — дейди партия комитетининг секретари А. Умаров.

Бу бригада команда, инструкция ва циркулярлар берилишини кутмай, мустақил равишда давлат қабулига тайёрлана бошлади.

Биринчи галда техника ҳужжатлари тартибга солинди, сўнгра иккита станок катта ремонтдан чиқарилди, янги фрезер станоги олинди. Цехларнинг технологлари, техника назорати бўлими катта мастери ишга жалб этилди.

Хуллас жамоатчилик асосида давлат қабули хизмати ташкил этилди.

— Ишни олдиндан қайта қуряпмиз, — дейишади бригадада.— Маҳсулотларимиз янгича ишлашнинг биринчи куниданоқ юксак сифатли бўлишига кафолат берамиз.

Яқин-яқингача улар ўн икки киши бўлишсада, 17 кишининг ишини бажаришарди. Бу ерда коллектив масъулият — оғир юк эмас, балки одатдаги иш услубидир. Иш тўғрисида кўплашиб қайғуриш натижасида кўпдан кутилаётган янги авлод гидравлик экскаватор конвейерга қўйилишига ёрдам беришини билишади.

... Май ойининг очиқ кунларидан бирида эрталаб Ринат Галимов механика цехига, Дмитрий Поярков участкасига келди. Қисқача саломлашишдан сўнг у бригадирга бир варақ қоғоз тутқазди. Қоғозда: «Ўртоқларимдан бирортаси бракка йўл қўйса ёки интизомни бузса мени ҳам мукофотдан маҳрум этишингизни сўрайман», — деб ёзилганди.

Шундай қилиб бригаданинг қарори билан Ринат Галимов яна составга қўшиб олинди. Энди улар ўн уч киши бўлишди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.


Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

КЎКЛАМГИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

● СОФИЯ. Пловдив шаҳрида ўз ишини якунлаган кўкламги халқаро ярмаркага қарийб 400 минг киши келиб кетди. Бундай ярмарка ўтказила бошланганига етти йил тўлди, лекин сира бу қадар кўп одам ярмаркага келмаган эди. Бу галги ярмаркада 55 мамлакат фирмалари ва ташқи савдо ташкилотларининг иштирок этганлиги унинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Иштирокчиларнинг кўпайиб бораётганлиги тузилган шартномалар ҳажмида ҳам акс этди. Болгария чет эллик шериклари билан жами 635 миллион левлик шартнома тузди. Бунда Болгария экспорти импортдан икки баравардан ҳам ортиб кетганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. БХР билан СССР бирлашмалари ва ташқи савдо ташкилотлари ўртасидаги амалий алоқалар ҳам муваффақиятли бўлди.

Объективда — ЧССР



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Пльзендаги В. И. Ленин номидаги «Шкода» машинасозлик комбинатининг кўпминг кишилик коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган.

СУРАТДА: ана шу комбинат цехларидан бирида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

АЛОҲИДА КИТОБ ҲОЛИДА

● ХАНОЙ. Вьетнамнинг «Ши тхат» нашриёти ВКП Марказий Комитети Бош секретари Нгуен Ван Линьнинг Вьетнам Компартияси Марказий Комитети иккинчи пленумида сўзлаган нутқини алоҳида китоб қилиб чиқарди. Бу китобнинг чиқишини шарҳлаётган Вьетнам матбуоти янгиланиш руҳи чуқур сингдирилган ва марксизм-ленинизмнинг принципиал қоидаларига асосланадиган бу нутқлар Вьетнам Коммунистик партиясининг мамлакатдаги социал-иқтисодий вазиятни барқарорлаш ва яхшилашга қаратилган тўртинчи съезди қарорларини конкретлаштириш йўлида муҳим қадамдир, деб таъкидламоқда.

ПАРВОЗГА ХАЛАЛ БЕРГАН БАЛИҚ

Самолёт ҳавода қушлар билан тўқнаш келиши мумкин. Бироқ бу гал Американинг «Боинг 737» авиалайнери Аляска яқинидаги аэродромда балиқ билан урилиб кетди.

Самолёт ердан қўзғалиши ҳамоно, тезликни оширди. Ҳавога кўтарилганда панжасида балиқни олиб кетаётган бургут кўринди. Ўзидан катта «қушни» кўриб бургут ўлжасини ташлаб юборди. Балиқ тўппа-тўғри самолёт кабинасига келиб тушиб, ойнани синдирди.

Шундан кейин самолёт ерга қўнишга мажбур бўлган.

ҒАЛАТИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Италиялик олимлар Римдан юз километр наридаги тоғларда йиртқич бўриларни рўйхатга олишди. Бу гал олимлар бўри изи тушган ерлар орқали уларни ҳисобламай, балки ҳар бир жонзотнинг овозини била оладиган антиқа қурилма ихтиро қилишди.

Қурилмани бўрилар уяси жойлашган ерга ўрнатиб, улар тилида «Биз бу ердамиз, бу жой бизники» деган сўзларни катта карнайлар орқали қўйишган. Бу сўзларга бўрилар жавоб қайтариб, овоз чиқаришган, уларнинг увуллаши эса магнитофон лентасига ёзиб олинган. Бу антиқа «интервью»ю бўриларнинг аниқ сонини билиш имконини берди. Бўриларга қўшиб ҳисобга олинаётган қишлоқ итлари эса энди тинч яшашади, деб ёзади «Нойес Дойчланд» газетаси.

Калейдоскоп

«Оқшом»га хатлар

№9 (956)

УМР МАЗМУНИ

Аҳмаджон ака Иноғомовнинг касби фаррошлик. Ҳа, оддий фаррошлик. Балки йўлингиз тушиб шаҳримизнинг Гоголь кўчасидан ўтгандирсиз. Республика Фанлар академияси биноси. Атроф топ-тоза, сувлар сепилган, анвойи гуллар чамандек очилиб ётган гулзор ўтган-кетганнинг баҳри-дилини очади. Буларга Аҳмаджон ака файз киритади, эрта тонгдаёқ, ҳали ходимлар ишга келмасдан кўчаларга сув сепиб, супириб сидиради, чеҳрасини шудринг томчилари ювган гуллар билан у биринчи бўлиб «саломлашади».

Касбнинг ёмони йўқ, — дейди доно халқимиз. У касбини ардоқлаб эл-юрт ичида ҳурмат қозонди. Самарали меҳнатлари туфайли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан бир неча бор мукофотланди. 1976 йил эса социалистик мусобақа ғолиби «нишондори бўлди. Қирқ беш йиллик меҳнат зое кетмади. Ҳукуматимиз уруш ва меҳнат ветерани бўлмиш Аҳмаджон акага 1986 йили навбатдан ташқари 4 хонали уй берди.

Аҳмаджон ака ўз умр йўлдоши Нурихон ая Юнусова билан ҳаёт ташвишини суриб яшамоқда. Улар 8 нафар фарзанд ҳамда 19 нафар невараларини меҳнатсевар қилиб тарбияламоқдалар. Ўғиллари Обиджон, Турсунбой, Турғунбой, Комилжонлар, қизлари ҳам ота-она каби меҳнатсевар бўлиб ўсишмоқда. Ҳар бирининг ўз севган касб-ҳунари, орзу-умидлари бор. Оиланинг кенжаси Комилжон яқинда Афғонистонда ўз интернационал бурчини ўтаб қайтди. Ота тарбиясини олган фарзанд хизматдан сўнг Тошкент чинни заводига ишга кирди, ҳозир ТошДУнинг юридик факультети тайёрлов бўлимида ҳам ўқимоқда. Отанинг фарзандларидан кўнгли тўқ.

— Юртимизда тинчлик бўлсин, биз кўрган қийинчиликларни болаларимиз кўрмасин, — дейди отахон хаёлга чўмиб.

Шу уруш эмасми унинг ёшлигини, орзу-умидларини барбод этган? У бир вақтлар ТошМИга кириб



шифокор бўлмоқчи эди. Аммо уруш... 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилган Аҳмаджон ака 1945 йил июнида 25 ёшида Тошкентга қўлтиқтаёқда қайтди. Аввалига Белоруссияда, Кавказда, Польшада, Шарқий Пруссияда жанг қилди. Берлин остоналаригача бормоқчи эди.. Бироқ, 1945 йилнинг февралида Шарқий Пруссиядаги жанг вақтида оёғидан оғир яраланди. Шундан кейин Белоруссиянинг Полотской областидаги Калинковичи шаҳрида уч ойдан кўпроқ госпиталда даволанди. Ғалабани шу ерда кутиб олди.

М. ХАЛИЛОВ.

Совет кишисининг фазилати

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН!

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 14 март сонида босилган Муборак Ҳидоятованинг «Таксида келган кимлар эди?» сарлавҳали мақоласи мени ғоятда тўлқинлантириб юборди. Мақолани ўқир эканман, бундан бир неча йил муқаддам Кемерово шаҳрида олийҳиммат кўрсатган бир солдат йигитнинг фазилати ҳақида ёзилган хабар ёдимга тушди.

... Саккиз-ўн ёшлар атрофида бўлган қизчанинг онаси унга ўн сўм пул бериб, нон ва қанд харид қилиш учун магазинга юборади. Навбат кутиб турган қизча бир пайт қўлига қараса, боя онаси берган ўн сўм пул йўқ... Кўчага чиқиб, у ўзи келган йўлакни синчиклаб кўздан кечиради. Бироқ истаган нарсани тополмагач, йўлка четига чиқиб йиғлаб ўтиради. Йўловчи бир солдат йигит бу ҳолни кўриб, қизчага раҳми келиб: «Нимага йиғлаяпсан?» деб сўрайди. Қизча: «Ойим нон ва қанд олиш учун ўн сўм берганди, уни йўқотиб қўйдим» деб жавоб қилади. Шунда солдат йигит: «Ҳа дарвоқе, сенинг пулинг эдими? Мен ана у ердан топиб олдим», деб ўн сўмликни унга тутқазади. Қизча суюниб, магазинга чопиб кетади ва нон билан қанд харид қилиб, уйига қайтади. Подъезд зинапоясида ойиси берган 10 сўм пулни топиб олади. Қўлида харид қилган нарсалар ва харжланмаган пули билан келган қизини кўриб, сабабини сўраган ойисига у: «Пулимни тушириб қўйибман, кейин бир солдат йигит «Мен топиб олдим», деб 10 сўм бериб кетди, деган жавобини айтади.

Улар нотаниш ўша солдат йигитнинг олийҳимматлигига, одамийлигига қойил қолиб газета орқали миннатдорчилик билдирадилар.

Шундай одамлар ҳақида эшитганингда, ўқиганингда беихтиёр дил-дилингдан уларга ғойибона тасаннолар айтасан, киши.

Н. ХАЙРУЛЛАЕВ.

МАҲАЛЛАДА КЛУБ

Киров районидаги II Туркқўрғон маҳалласи аҳолиси ҳашар йўли билан қурган клуб биноси ишга тушди. Клубни қуришда Раббимқул Тиловов ва унинг ўғиллари Тоштемир, Хайитбой ҳамда Абдухалим, Акромов, Обида Одилова, Тўхтамурод Тошхўжаев ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Янги клуб очилиши маросимида маҳалла комитетининг раиси Даврон Шораҳмедов бу ерда олиб бориладиган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Маросимда «Билим» жамиятининг лектори Шораҳим Гадойбоев Октябрь революциясининг 70 йиллиги ҳақида суҳбат ўтказди. Ҳаваскорлар ёқимли ашулалари билан маҳалла аҳлини хурсанд этдилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг жамоатчи мухбири.

ЮЗ ЙИЛЛИК КИТОБ

«Туркестан» деган ном билан чоп этилган бу китоб Туркистон ўлкасининг бундан юз йил олдинги географик ҳолати ҳақида, аҳолининг этнографик маданияти тўғрисида батафсил ҳикоя қилади. У 1874 йилда Лейпциг шаҳрида нашр этилганди.

Немис ўқитувчиси ва сайёҳи Александр Петцольднинг ўлкамизга қилган сафари натижасида юзага келган мазкур нашрда муаллиф кўҳна Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар хусусида тарихий очерклари жамлаган эди.

Сайёҳ орадан уч йил ўтгач, ушбу китобнинг иккинчи нашрини ҳам чоп эттиришга муяссар бўлди. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, саёҳат ҳамда тарихий географик очерк каби боблардан ташкил топганн ўқувчиларга маълум қилинганди.

Орадан юз йил ўтгач, Берлин шаҳрида немис журналисти Рихард Христнинг серқуёш Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига бағишланган йўл очерклари тўплам ҳолида босилиб чиқди. Муаллиф очеркларида, жумладан азим Тошкент шаҳрининг кенг кўчалари, катта кварталлари ва савдо шохобчаларини бадиий тасвирлашга муваффақ бўлди.

Лейпциг ва Берлинда чоп этилган бу нодир адабиётлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси фондидан муносиб ўрин олди.

А. АЛИЕВ.

Қачонгача навбат кутамиз?

Биз мусобақа деганда фақат спортнинг у ёки бу тури бўйича баҳслашаётган кишиларни кўз олдимизга келтиришга одатланиб қолганмиз. Агарда бу беллашув бошқа соҳаларга тадбиқ этилса, у ҳолда нима бўларди? Айтайлик, автомат телефон станцияларида навбат кутаётган абонентлар ўртасида шундай мусобақа уюштирилса бошқаларни билмадиму, лекин мен бу мусобақада сўзсиз биринчи ўринни эгаллаган бўлардим. Ёшим 55 дан ошган. Аммо уйимизга телефон ўрнатиш учун йигирма йилдан бери АТСга қатнайвериб, ҳолдан обдан тойдим.

Ҳозирги кунда энг қулай алоқа воситасининг бу турига эҳтиёж сезмаган кимса борми? Йўқ, албатта! Шу жумладан бизнинг катта оиламиз ҳам мана бу беминнат телефонга 20 йилдан буён интизор.

Мени ҳайратга соладиган нарса шуки, йигирма йилдан буён навбатим аранг тўртинчи ўринга тушибди. Билмадим, бу тошбақа юришда яна неча йилдан сўнг биринчи ўринга етиб келарканмиз?

Ҳ. РАҲИМОВ,
Октябрь районининг Полтава кўчасидаги 47-уйда яшовчи СССР халқ маорифи аълочиси.

Шифокорлар конкурси



Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги 7-болалар поликлиникасида «Балли, қизлар!» кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда шифокорлар ўз касблари тарихи, дори-дармонлар, фойдали ўсимликлар, шунингдек деворий газета чиқариш, пазандалик ва санъатда ўз қобилиятларини синаб кўрдилар. Поликлиника бўйича конкурс шартларини ревматолог Лола Убайдуллаева ҳаммадан аъло бажариб, ғолиб деб топилди. Шифохонанинг томоқ, қулоқ ва бурун касалликлари врачи Дилбар Алиева, тиш врачи Мунира Ирисова, кўз врачи Гулмира Холматова ва невропатолог Умида Шокиржоновалар ҳам конкурсда актив иштирок этиб, ўз касбларининг моҳир усталари эканликларини намойиш қилишди.

Қизиқарли ва мазмунли бу конкурс-кўрикда кўплаб врачлар, ҳамшираларр қатнашишди. Конкурс сўнггида «Наво» вокал-чолғу ансамбли иштирокчилари Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлар ўз санъатларини намойиш этиб, шифокорларнинг таҳсинига сазовор бўлишди.

Д. ҲАМИДОВ.

СУРАТДА: кўрик--конкурсдан лавҳа.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЙЎЛОВЧИ НЕГА ХАФА?

Шаҳар электр транспортчилари транспорт ҳаракати мунтазамлигини нормаллаштириш учун маълум тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бироқ кўрилаётган тадбирларнинг ҳаммасини ҳам аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришга қодир деб бўлмайди. Айниқса, бу ҳол ҳайдовчилар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишларнинг бўшаштириб юборилганлигида кўзга ташланмоқда. Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига келаётган хатларнинг аксарияти шундан далолат беради. Ҳайдовчиларнинг транспортни нозик бошқараётганлиги тўғрисидаги шикоятлар йил бошидан буён 70 дан ошиб кетди. Нега шундай бўлаяпти?

«Темир йўл вокзалидан 17-троллейбус маршрутида ҳаракат қилаётган 3110-машинага ўтирдим,— деб ёзади давлат банкининг Ленин райони бўлими хизматчиси Л. Николау. —Ҳайдовчи жойидан кўзгалиши билан троллейбуснинг паркка боришини эълон қилди. Машина «Партия мактаби» бекатигача ҳеч қаерда тўхтамай борди. Ҳайдовчидан «М. Горький» метро станциясида тушириб кетишини илтимос қилганимда, ўзининг эшитмаганга олди. Ҳатто «Високовольт» массиви бекатида ҳам тўхтамай, тўғри депо дарвозасигача олиб борди. Оқибатда орқага пиёда қайтишга мажбур бўлдим».

Ҳайдовчилар ўзларининг шарафли бурчларини виждонан бажаришлари, йўловчиларни ҳурмат қилишлари, уларни кўзлаган манзилларига ўз вақтида етказиб қўйишлари учун масъулдирлар. Юқоридаги воқеада бу унинг акси бўлган. Бу ерда ҳайдовчининг ҳам инсоний, ҳам йўловчидан олдиндаги шарафли бурчи унутилган.

Транспорт кундалик ҳаётимизда вақтни тежаб берадиган энг асосий восталардан биридир. 1, 5, 26-трамвай маршрутларида иш графигининг бузилиш ҳоллари кўпайиб, 3118-номерли троллейбусни 18 маршрутда бошқариб бораётган В. Турлибоев ўз бурчини унутди. Студентлар шаҳарчасидан Пушкин майдони бекатигача келгач, машинани яна орқага қайтаришни эълон қилди. Салонда тортишув бошланди. Ўзбилармон ҳайдовчининг бу қилмишидан йўловчилар қаттиқ ранжидилар.

Қорақамиш массивининг аҳолиси эса 27-трамвай қоníқарсиз хизмат қилаётганидан шикоят қилишган. 1208—1505-трамвай ҳайдовчиларининг ўзларининг йўловчилар олдидаги бурчларини унутиб қўйганлар. Кўпинча бегона кишиларнинг ҳайдовчи билан гаплашиб кетаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Йўловчиларга қўпол муомалада бўлишади...

Аҳолига намуналк транспорт хизматн кўрсатиш ҳар бир электр транспортчисининг жанговар шиорига айланмоғи керак. Бу кишдан айниқса Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг кўп кишилик коллективи четда қолмаслиги лозим.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
жамоатчи мухбир.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Улкан экспонат

Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг иккинчи қаватида ажойиб бир улкан экспонат бор. Фахрли бурчакдан ўрин олган бу дала замбараги 1885 йилда Обухов заводида ясалган эди.

Улуғ Октябрь революция. си арафасида у Тошкентга олиб келинганди. «1672» номерли мазкур замбарак. дан артиллерия қуроли сифатида фойдаланилди. Гражданлар уруши йилларида у Туркистон қизил гвардиячи қисмлари ихтиёрида бўлди.

Жангларда хизмат кўр. сатган дала замбараги ке. йинчалик Ўрта Осиё бош устахонасида сақланиб келди. 1936 йилда эса у тарихий ва ноёб экспонат сифатида Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топшир. рилди.

Улуғ Октябрь революция. сининг шонли 70 йиллиги юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда замбарак қўйилган фахрли бурчак томошабинлар билан янада гавжум бўлмоқда.

С. ОДИЛОВА.

ПАШШАНИ ЙЎҚОТИНГ

Кунлар исиши билан пашша кўпаяди. Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда пашша икки мингтагача тухум қўяди. Демак унга қарши муntазам ва изчил кураш олиб бормоқ керак.

Пашша юқумли ичак касалликларини тарқатувчи ҳашаротдир. Уларнинг кўпайишига турли ташландиқлар, озиқ-овқат қолдиқлари, чириган сабзавотлар сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ахлат ва чиқиндилар тўпланиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Пашша қуртига қарши қуйидаги кимёвий моддалар ишлатилади: карбофоснинг 30 процентли концентрацияси 10 литр сувга қўшиб эритма тайёрланади ва гўнг, бошқа чиқиндиларга сепилади. Совун-керосин аралашмаси ҳам таъсирчандир.

Чивин ва пашшаларга қарши курашда «Дихлорофос», «Прима» пуркагичлари ҳам ишлатилади. Бу воситалар озиқ-овқатлардан эҳтиёт бўлган ҳолда ёпиқ хоналарда сепилади. «Муксид» массаси 20х30 сантиметрли қоғозларга суртилади ҳамда пашшалар кўп жойларга ошлади: хлорофоснинг 3 процентли эритмаси (370 грамм) 10 литр сувда эритилиб ёпиқ хоналарга сепилади.

Шаҳар дезинфекция станцияси, район дезинфекциялаш. профилактика бўлимлари, корхоналар, ташкилотлар, касалхоналар, озиқ-овқат корхоналари, болалар муассасалари ва ЖЭКларда шартнома асосида пашша ва бошқа ҳашаротларга қарши профилактик дезинфекция ишларини олиб боради.

Шахсий уйларда эса юқорида айтиб ўтилган кўрсатмаларга амал қилиш тавсия этилади. Кимёвий моддалар шаҳар дорихоналари ва хўжалик моллари магазинларида сотилади.

С. УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар дезинфекция станциясининг бош врачи,
А. ИСОҚОВ,
энтомолог.

Магистраль

ЙЎЛ ЎРТАСИДАГИ ҚУРУВЧИЛАР

Шаҳримиз йилдан йилга кенгайиб, обод бўлиб бормоқда. Янги хиёбонлар, массивлар бунёд этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Агар синчиклаб назар ташласангиз бу ишларни бажаришда хавфсизлик масалаларига етарли эътибор берилмаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Объектларни қуриш бўйича белгиланган лойиҳалар кўпинча давлат автомобиль инспекцияси билан келишилмайди, лойиҳаларни тайёрлашда ГАИ ходимлари билан маслаҳатлашилмайди. Аксари қурилиш объектларида машиналарни ювиш мосламалари бўлмаганлигининг боиси ҳам шунда. Бунинг устига қурилиш объектидаги тўпланиб қолган ҳар хил материаллар, чиқинди ва ахлатлар ҳеч иккиланмасдан йўлга чиқариб ташланади. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Энди мисолларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 45 мансабдор шахсга серқатнов йўл ва унинг четларига ҳар хил чиқинди ташлаб, авария ҳолатини вужудга келтирганлиги учун огоҳлантириш хати жўнатилди. Ана шундай огоҳлантириш хатини олганлар орасида 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи П. Саричев, 11-«Высотстрой» тресги 75-қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Нойкин ва бошқалар бор.

Яқинда Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг ходимлари 1-йўл қурилиши ва ремонти бошқармасининг вакиллари билан Тошкент Ҳалқа йўлида текшириш ўтказишди. Бу йўлни ана шу ташкилот эксплуатация қилади. Текшириш пайтида 1-уйсозлик комбинати 31-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи М. Авруцкий) «5-Қўйлиқ» микрорайонидаги турар жой биноларини қуришда, 3-уйсозлик комбинатининг «Ташпосстрой» қурилиш бошқармаси (бошлиғи Г. Кашчин) XX партсъезд номидаги микрорайонда турар жой биноларини қуришда хавфсизликка путур етказадиган нуқсонларга йўл қўяётганликлари аниқланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрмаётган қурилиш ташкилотларининг 57 мансабдор раҳбарига маъмурий протоколлар тузилди. Бу протоколлар муҳокама қилиш ва чора кўриш учун район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссияларга жўнатилди.

Амалга оширилган тадбирлар туфайли аҳвол бироз яхшиланди. Ҳозир деярли барча қурилиш объектларида машиналарни ювадиган мосламалар ўрнатилмоқда. Афсуски, бу иш жуда хотиржамлик билан олиб бориляпти. Айниқса, шаҳар кўчалари бўйлаб ер ости инженерлик коммуникацияларини ўрнатишда жиддий камчиликлар учрамоқда. Одатга кўра бундай жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ГАИ ходимлари билан бутунлай келишилмайди. Натижада вужудга келган аҳвол турли хил тасодифларнинг юз беришига сабаб бўлмоқда. Бунга бир мисол келтирайлик. «Ташинжстрой» трести 7-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи Б. Фузайлов) Куйбишев шоссесининг Заготзерно кўчасидан Новий путь кўчасигача бўлган қисмида сув қувури ўрнатишга киришган эди. Механизмларнинг кўплиги туфайли кўп ҳолларда қурувчилар ҳаракатни Манжара кўчаси томонидан ташкил этишди. Бу ҳаракат ана шу йўлдаги мавжуд ҳаракатга қарама-қарши эди. Шу боисдан ҳам бу ерда учта йўл транспорт ҳодисаси юз берди. Натижада уч киши жароҳатланди, бир киши ҳалок бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, коммуникациялар ўрнатиб бўлингандан кейин ҳандақларни қайта тўлдиришга ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Бу жойларга кўп ҳолларда ахлат, чиқинди ташланмоқда. Бу эса йўлнинг текис ва мустаҳкамлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида қўшимча харажатлар сарфланишига олиб келмоқда. Жумладан, Шота Руставели кўчасининг Баранов кўчасидан Богдан Хмельницкий кўчасигача бўлган қисмида «Ташинжстрой» трести 10-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи А. Абдуқодиров) коммуникация коллекторларини ўрнатганидан кейин шундай воқеа юз берди. Мана икки йилдан буён йўлнинг гоҳ у жойи, гоҳ бу жойи ўпирилиб тушмоқда. Халқлар дўстлиги, Абай кўчалари, Космонавтлар проспекти, Луначарский шоссесида ҳам ана шундай аҳвол мавжуд. Қисқа қилиб айтганда, қурувчилар бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганларида ҳаракат хавфсизлиги чораларини кўрмоқлари керак. Ана шунда транспорт билан боғлиқ бахтсизликлар бўлмайди.

С. СИТНИКОВ,
Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси йўл назорати бўлимининг бошлиғи.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ЖАВОБИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

Мен автомобиль, мотоцикл ҳайдовчилари тайёрлаш курсида ўқидим. Мотоцикл бошқариш имтиҳонидан ўтолмаганим учун фақат автомобиль бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси беришди. Гувоҳномамда мотоцикл бошқариш ҳуқуқини берадиган белги бўлиши учун қайтадан пул тўлаб, курсда ўқишим шартми?

Б. НАБИЕВ,
автоҳаваскор.

Агар сизда ҳақиқатан ҳам енгил автомашина бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бўлса, қайтадан пул тўлаб мотоцикл ҳайдовчилари тайёрлайдиган курсда ўқишингиз шарт эмас. Чунки мураккаб категориядаги транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчилар пулли курсларда ўқимасдан қуйи категориядаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома олишлари мумкин. Маълумки, енгил машинани ҳайдашга рухсат этадиган «В» категория мотоцикл бошқариш ҳуқуқини берадиган «А» категорияга нисбатан мураккаб ҳисобланади.

Автомобиль ҳайдовчиси мотоциклда амалий ҳайдов бўйича имтиҳондан муваффақиятли ўтиши керак, холос.

Реверсив ҳаракат нима?

Э. ҚОСИМОВ,
йўл ҳаракати қоидаларини билимдони конкурси қатнашчиси.

Бу саволга жавоб топиш унчалик қийин эмас. 1987 йил 1 январидан кучга кирган янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидаларида реверсив йўлга изоҳ берилган. Ҳаракатнинг йўналиши бир ёки бир неча полосада қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган йўл реверсив ҳаракатли йўл ҳисобланади. Бу изоҳ ўз-ўзидан яна бир саволни келтириб чиқаради. Нима учун бир ёки бир неча полосада ҳаракат йўналишини қарама-қарши томонга ўзгартириб туриш керак? Реверсив ҳаракатни ташкил этишдан мақсад йил сайин кучайиб бораётган транспорт оқими муаммосини ҳал этиш ва йўлнинг имкониятларидан оқилона фойдаланишдир. Айтайлик беш полосали йўл. Иккитаси шаҳар марказига олиб бориш учун, иккитаси шаҳар четига чиқиш учун хизмат қилади. Ўртадаги полоса реверсив ҳаракат учун ажратилган. Эрталаб ҳамма ишга, турли-туман юмушларни адо этишга отланган чоғда реверсив полоса марказ томон ҳаракатланаётган транспорт воситалари учун очиқ бўлади. Кечки пайт эса бунинг акси, яъни реверсив полосадан шаҳар четига қараб йўл олган ҳайдовчилар фойдаланишади.

Реверсив полосанинг қайси йўналишда очиқлигини светофор сигналлари белгилайди. Йўлнинг реверсив ҳаракатли қисми бошлангани ҳақида 5.35 йўл белгиси, тугагани ҳақида 5.36 йўл белгиси, реверсив ҳаракатли йўлга чиқилаётгани ҳақида 5.37 йўл белгиси хабар беради.

А. ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг имтиҳон-регистрация бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.

Учинчи топшириққа («Тошкент оқшоми», 1987 йил 4 март) кўплаб хат олинди. Йўл ҳаракати қоидаларн рўпарадан келаётган транспорт воситасига 150 метр қолганда ҳайдовчининг узоқни ёритувчи чироқдан яқинни ёритувчи чироққа ўтишини талаб қилади.

Конкурс қатнашчиларидан Н. Аъзамхўжаев, М. Азимова, Ғ. Абдуқодиров, А. Абдуллаев, К. Аҳмедов, М. Асадуллаев, Ж. Абдуллаев, М. Аҳмедова, Ш. Азимов, Қ. Аҳмедов, Р. Авазов, Ш. Ваҳобов, Д. Дадабоева, З. Раҳманов, Д. Раҳматуллаева, Д. Раҳимова, З. Рашидова, Н. Раҳимбеков, Ш. Ризаев, И. Муҳамедов, Т. Мақсудов, Р. Матўрозов, Р. Мавлонов, К. Мақсудов, Ш. Мирзакаримов, Г. Исмоилова, Ч. Исроилов, С. Иноғомов, Н. Обидов, С. Султонов, Н. Сандвалиева, А. Сандкамолов, Н. Туркманов, Х. Турсунов, Л. ва А. Таламетовлар, О. Нуриддинов, А. Набиев, Е. Низомов, Ж. Назмиддинов, З. Каримова, А. Каримов, Д. Ғаффорова, И. Ғаниев, М. Шособитов, Р. Қодиров, К. Қобилов, Ш. Фатхутдинов, Й. Эшбоев, Р. Худойбердиев, Ҳамдамовлар оиласи, Юнусхоновлар оиласи, А. Юсупов саволга тўғри жавоб беришган.

А. Валиев, Б. Комилов, С. Номозов, М. Исмоилова, Б. Исмоилов, Э. Қосимов, В. Йўлдошевлар топшириқни тўғри ечишмаган.

ЭСЛАТМА: Бешинчи топшириқдан бошлаб конкурсда иштирок этишга киришганларнинг жавоби кўриб чиқилмайди. Доимий иштирокчилардан эса жавобларини откриткага ёзиб жўнатишларини илтимос қиламиз. Йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ турмушда учраётган камчиликлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни эса хатда баён қилишингиз мумкин.

Компьютернинг башорати

Франциядаги Реймс шаҳрида истиқомат қиладиган П. Бренье бортига компьютер ўрнатилган энг янги маркадаги лимузин машинасини ҳайдаб бораётган эди. Кутилмаганда дисплейнинг экранида: «Машинани тўхтатинг ва ундан дарҳол тушинг!» деган ёзув пайдо бўлди. Ҳайдовчи механик ҳолда буйруқни бажарди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, машинанинг олд қисмида аланга пайдо бўлди, кейин эса унда портлаш юз берди.

— Двигателнинг портлаши ҳақида маълумот берганлиги учун компьютердан миннатдорман, — дейди П. Бренье. — амма конструкторлар бундай ғамхўрлик ўрнига ёнғинни олдини оладиган ишончли система ишлашса янада маъқулроқ бўларди.

Бешинчи топшириқ

Калла суяги-мия жароҳати оқибатида ҳушидан кетган кишини касалхонага олиб кетиб. лаётганда қандай жойлаштириш керак?

1. Енбошга ётқизиб.
2. Орқаси билан ётқизиб.
3. Ўтқазиб.

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

⊙ Пойтахтимизга қардош социалистик мамлакат — Руминиянинг Клужск опера ва балет театри санъаткорлари Анжела Немеш ва Василий Катан меҳмон бўлиб келишди. Улар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театрида 16 май куни соат 19 да В. Вердининг «Аида» операсида бош ролларни ижро этадилар. Операда румин дирижёри Дмитрий Думанеску қатнашади.

⊙«Баҳор» концерт залида 16 май куни соат 16 дан 30 минут ўтганда музика мухлислари Минск камер оркестрининг санъаткорлари ижросида концерт тинглайдилар. Бу коллектив Бутунит тифоқ конкурсининг дипломантидир. Концерт программасида Вивальди, Гендель, Альхимович, Моцарт асарларидан намуналар бор.

⊙ Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида 15 май куни соат 18 да анъанавий байрам — «Оналик шуҳрати» маросими ўтказилади. Шаҳримизда кўп болали оналар ва оилалар анчагина. Уларнинг ҳурматини бажо келтириш совет турмуш тарзининг муносиб фазилатларидан биридир. Бу ерда илғари кўп болали оналардан Қамбарова, Нурматовалар хонадони шарафланганди. Навбатдаги байрамда шаҳримизнинг барча районларида истиқомат қилувчи «Қаҳрамон оналар ишторик этадилар. Район ижроия комитетлари социал таъминот бўлимларининг вакиллари оналарга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапириб берадилар. Театрлаштирилган байрам соат 19 да бошланади.

16 май куни дам олувчилар учун яна бир қизиқарли тадбир тайёрланган. Шу куни Граждан мудофаси куни бўлганлиги учун соат 11 дан бошлаб саноат корхоналари санитария дружиналарининг мусобақалари ўтказилади. Соат 19 да авиасозлар маданият ва техника саройининг «Эрудит» клуби ўтказадиган қизиқарли конкурсда оромгоҳнинг ҳар бир дам олувчиси бевосита қатнашади.

⊙ Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида 16 май куни соат 11 дан бошлаб Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти театрлаштирилган байрами бўлади. Бу тадбир республика члмий-методика маркази билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. 17 май куни соат 11 да бўладиган тадбир табиатни муҳофаза этишга бағишланган. Унда табиат муҳофазаси район жамиятларининг мутахассислари қатнашадилар. Сиз бу ерда қизиқарли кўргазмалар, жонли табиат бурчакларини томоша қиласиз.

«Узбекистон комсомоли 40 йиллиги» маданият ва истироҳат боғида 16 май куни соат 15 дан бошлаб бадиий ҳаваскорлик коллективлари, вокал-чолғу ансамблларни дам олувчилар хизматида бўлишади. Бу ерда «Узбекистон» ва Аброр Ҳидоятов номидаги маданият уйининг «Фестиваль» вокал-чолғу ансамблларн концертларини томоша қиласиз, «Юлдуз» маданият уйининг «Парадокс» рок-группаси чиқишлари бўлади. Болалар учун махсус программа ҳозирланган. У «Даврани кенг олайлик» деб аталган. 17 май куни соат 15да эса «Қизил чинниғул», «Лабиринт» ансамблари дам олувчилар хизматида бўлади.

«Гулшан» маданият ва истироҳат боғида шу куни соат 16 да «Мулойимлик — муваффақият омили» тематик кечаси бўлади. У ўз даврасига савдо ходимларини чорлайди.

⊙ Авиасозлар техника ва маданият саройида 15 май кунига бир қатор тадбирлар ҳозирланган. Соат 15 да катта залда инсоннинг атроф-муҳитга муносабатига бағишлаб суҳбат ўтказилади. Соат 20 да «Граммафон» дискотека клуби ишлайди. 16 май куни соат 19 да «Бир пиёла чойга марҳамат» клуби ўз даврасига таклиф қилади. Худди шу пайтда «Оптимист» театр студияси янги спектакль премьерасини ўтказади. 17 май куни эрталабдан кечгача Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб духовой оркестрларнинг шаҳар кўриги бўлади. Бундан ташқари болалар хор студияси ҳам ҳисобот концертини беради.

⊙ Темирйўлчилар маданият саройида 16—17 май кунлари соат 12 дан 18 гача замонавий бал рақслари байрами — «Тошкент баҳори — 87» ўтказилади. Сиз бу тадбирда Тошкент, Свердловск, Томск, Чимкент, Фарғона, Фрунзе, Душанба, Олмаота шаҳарлари ва Москвадан келган раққосалар ижросида рақсларни томоша қиласиз.

Билетлар сарой кассасида сотилмоқда.

⊙ В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройида 16 май соат 19 да «Музикали калейдоскоп» ўтказилади. У ёшларга аталган. 17 май куни соат 16 да шаҳримиз билим масканларида таълим олаётган Куба студентлари ташкил этган дўстлик фестивали бўлади. Бу байрамда олий ўқув юрти ёшлари қатнашадилар.

⊙ Бир неча кундан кейин В. И. Ленин номидаги Бутунитгифоқ пионер ташкилоти туғилган кун нишонланади. Шу муносабат билан шаҳримиз кинотеатрларида 20 майгача бахтли болаликни тараннум этувчи қатор фильмлар намойиш этилади. Бу фильмларни «Чайка», «Қозоғистон», «ВЛКСМ 30 йиллиги», Лисунов, К. Ёрматов номидаги ва бошқа кинотеатрларда кўриш мумкин.

⊙ Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси шанба ва якшанба дам олиш кунлари учун кўплаб путёвкалар тарқатди. Саёҳатчилар тушган автобуслар республикамиз ва Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон шаҳарлари бўйлаб йўл олмоқда.

Шаҳар «Союзпечать» идорасининг ходимлари Панжикент шаҳрини бориб кўрадилар. Металсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари тушган автобуслар Фарғона — Ҳамзаобод маршрути бўйлаб сафарга чиқади. Тошкентдаги 1-троллейбус депоси, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг 1-автомобиль базаси ишчилари эса Ўратепа — Ленинобод маршрути бўйлаб саёҳат қиладилар. Акмал Икромов районн маориф ходимлари касаба союз комитети ўқитувчиларни қадимий шаҳар — Шаҳрисабзга кузатади. Бадиий буюмлар фабрикасининг ишчилари Жиззах — Самарқанд маршрути бўйлаб сафар қиладилар. «Техсложбитприбор» бирлашмасининг усталари, «Узэлектромонтаж» трести, дурадгорлик буюмлари заводи ишчилари Самарқанд — Бухоро шаҳарларининг бугунги қиёфаси билан танишадилар.

⊙ «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-вагон депоси ишчилари, ТошДУ ўқитувчилари, реле ва автоматика заводи ишчилари «Чимён» ва «Янгиобод» туристик оромгоҳларида ҳордиқ чиқарадилар.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/V да **Иолант**а, 16/V да **Тўмарис**, 17/V да **Коппелия** (12.00), **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—15/V да **Ойна**, 16/V да **Ғариблар**, 17/V да **Бахтли гадолар** (12.00), **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —15V/ да **Тоҳир ва Зуҳра**, 16/V да **Тошболта ошиқ**, 17/V да **Аршин мол-олон**.

Кино

15 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— (16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (16.20, 18.40, 21.20), **Нукус** (16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30).

«КИН-ДЗА-ДЗА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (жуфт соатларда; телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00; телефон 35-24-92).

«КИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00).

«ҚИЁФАДОШ» — **Тинчлик** (17, 19, 20.45).

«БАНКИР МАРГАЙЯ» —**Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ИВАНОВАНИНГ БОЛАЛИГИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (21.00).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (16, 18.30, 20.45).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Фестиваль** (21.30).

«ЯГУАР» — **Хива** (21.30).

«ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда; телефон 33-44-52).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Янгиобод** (16.30, 21.00).

16 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— **Чайка** (11, 13.30, 16.20, 19, 21.30; телефон 77-06-20), **Ватан** (13.30, 16.20, 18.40, 21.20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30).

«КИН-ДЗА-ДЗА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (жуфт соатларда; телефон 66-15-75), **Қозоғистон** 12, 14, 15, 17, 18, 20.00); телефон 35-24-92).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

«ҚИЁФАДОШ» — **Тинчлик** (13, 15, 17, 19, 20.45).

«БАНКИР МАРГАЙЯ» —**Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ИВАНОВАНИНГ БОЛАЛИГИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13, 21.00).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Фестиваль** (21.30).

«ЯГУАР» — **Хива** (21.30).

«ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда; телефон 33-44-52).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Янгиобод** (13.30, 16.30, 21.00).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

17 МАЙ СОАТ 10.00 ДА

ХИМИЯ БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА ЎТКАЗАДИ

ОЛИМПИАДАДА ЎРТА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ПРОГРАММАСИ ҲАЖМИДА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛАДИ.

Олимпиада ўзбек ва рус тилларида бўлади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй, 33-аудитория, химия-технология факультети.

ХИЗМАТГА ЎРГАТИЛГАН ИТЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ВА ҲАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ДОСААФнинг
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИТЛАРНИ ХИЗМАТГА ЎРГАТИШ КЛУБИ

16-17 МАЙ СОАТ 9.00 ДА С. М. КИРОВ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
ХИЗМАТГА ЎРГАТИЛГАН ИТ НАСЛЛАРИНИНГ САЙР-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

16 МАЙДА— 4 ойдан 18 ойгача бўлган кучуклар;
17 МАЙДА — 19 ойдан 9 ёшгача бўлган итлар.

Кўрикда биринчи ўринларни эгаллаган итлар қимматбаҳо совринлар билан мукофотланади.

Ўргатилган итларнинг кўргазмали чиқишлари ўтказилади.

КЛУБ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Шаҳарда итларни ўргатиш майдонлари ишлаб турибди.

Мурожаат учун телефон —55-83-72.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОН «НАРГИЗ» КООПЕРАТИВИГА

бош бухгалтер, омбор мудири; шунингдек ишдан бўш вақтларида гул етиштириш ва уларни сотишда қатнашиш имконига эга бўлган пенсионерлар, уй бекалари, студентлар, ишчи ва хизматчилар керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 5-«а» уй (19, 156, 165-автобусларнинг «САМПИ» бекати).

Тошкент медицина техникуми томонидан **Толипова Муҳаббат Маҳмудовна** номига берилган ИТ-1 180245 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Собир Раҳимов районидаги 2-кечки ишчи-ёшлар мактаби томонидан **Тўлаганов Ботир** номига берилган 432504 номерли йўқолган 11-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 90-ўрта мактаб томонидан **Ярмуҳамедова Шанда Хаджиевна** номига берилган 444715 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТРАМВАЙНИНГ «ЦУМ» — БЕРЕЗИН ХАЛҚА ЙЎЛИ ОЧИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

16 МАЙДАН БОШЛАБ

ТРАМВАЙ МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ АВВАЛГИ ЧЕГАРАЛАР БЎЙИЧА ТИКЛАНАДИ:

1— маршрут— «ОБРАЗЦОВ КЎЧАСИ— ЦУМ»;
3— маршрут — ЛИСУНОВ КЎЧАСИ — ЦУМ»;
5— маршрут — «ҚЎЙЛИҚ — ЦУМ»;
25 —маршрут — «ЮНУСОБОД МАССИВИ— ЦУМ»;
13— маршрут —«ТТЗ — РОССИЯ» МЕҲМОНХОНАСИ — «МАРКАЗИЙ БОЗОР» — «ЦУМ—ТТЗ»;
22—маршрут — «ТТЗ «ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИ — «РОССИЯ» МЕҲМОНХОНАСИ — «МАРКАЗИЙ БОЗОР» — «ЦУМ—ТТЗ».

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ҲАРАКАТ ХИЗМАТИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

Фрунзе районидаги 73-ўрта мактаб томонидан **Аҳмедов Олим** номига берилган 282187 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Куйбишев район Госстрах инспекциясига берилган Ф 25 № 429337 —429350, Ф 201 № 171562 — 171563, Ф 201 №601431 — 60450, Ф 35 №014253 номерлардаги йўқолган КВИТАНЦИЯЛАР **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

БИТИРУВЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
«МЕНИНГ БИРИНЧИ БАЛИМ»— ана шу шиор остида
15—17 МАЙ КУНЛАРИ
«УЗБЕКИСТОН» фирма савдо бирлашмасининг
1-МАГАЗИНИДА
САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ХАРИДОРЛАРГА ТОШКЕНТ, НАМАНГАН ТИКУВЧИЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, ҚЎҚОН ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

Магазин Навоий кўчасидаги 18-уйда жойлашган. Телефон 41-23-64 (7, 11, 16-трамвайлар, 8, 18-троллейбусларда «Шайхонтохур» бекатигача борилади).

«УЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«КОСМОС»
ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

«КОСМОС» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА 6 ОЙ ИЧИДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЎҚИШГА 17—25 ЁШЛИ, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия берилади.

БИТИРУВЧИЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ КАСБ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

«КОСМОС» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИНГ АДРЕСИ: «Халқлар дўстлиги» проспекти, 2-уй («Ҳамза» метро станцияси). Телефон; 78-06-70,

«ТАШКУЛЬТТОРГ» АДРЕСИ: «Халқлар дўстлиги» проспекти, 9-уй. Телефон 77-23-12.



«ТАШКУЛЬТТОРГ».

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ОТПУСКА ДАВРИДА ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ДРАГОБИЧ (Трускавец), **21 майдан 9 июнгача. Баҳоси — 348 сўм.**
ПЛЕС-ИВАНОВО, 29 майдан 14 июнгача. Баҳоси — 314 сўм.
ИВАНОВО-МОСКВА, 26 майдан 1 июнгача. Баҳоси — 241 сўм.
ЖДАНОВ (Азов денгизи), **31 майдан 15 июнгача. Баҳоси — 258 сўм;**
ЕВПАТОРИЯ, 25 майдан 13 июнгача. Баҳоси — 332 сўм.
СОЧИ, 29 майдан 17 июнгача. Баҳоси — 331 сўм.
ЛАЗАРЕВСКОЕ («Космос» туристик базаси), **23 майдан 12 июнгача. Баҳоси — 290 сўм.**
СОЧИ, 29 майдан 17 июнгача. Баҳоси — 311 сўм.
ЕССЕНТУКИ, 19 майдан 9 июнгача. Баҳоси — 311 сўм.
ПЯТИГОРСК—«ОЗЕРНИЙ» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ, 31 майдан 19 июнгача. Баҳоси —288 сўм.
АЛИТУС-ПАНЕВЕЖИС, 25 майдан 30 майгача. Баҳоси — 264 сўм.
ИГНАЛИНА (Болтиқ бўйи), **Баҳоси — 254 сўм.**

Самолётда бориш ва қайтиш, жойлашиш, овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

ШАРБАТЛАР ЙИЛ БЎЙИ, АЙНИҚСА БАҲОРДА ФОЙДАЛИДИР

УЛАРДА МЕВАЛАРНИНГ ХУШБЎЙ ҲИДИ ВА ЛАЗЗАТИ, БАРЧА ФОЙДАЛИ МОДДАЛАР ВА ВИТАМИНЛАР БОР.

ҲАЛИ МЕВАЛАР ПИШИБ ЕТИЛМАГАН БАҲОР ФАСЛИДА БОЛАЛАР МЕНЮСИГА ШАРБАТЛАРНИ АЛБАТТА ҚЎШИНГ!

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДА

ОЛМА, БЕҲИ, ҚУЛУПНАЙ, ПОМИДОР, УЗУМ ШАРБАТЛАРИ ҚУЙИБ СОТИЛМОҚДА.

Магазинларнинг адреслари:
68 — Оҳунбобоев майдони;
25 — Халқлар Дўстлиги проспекти, 4-«А» уй;
11 — Октябрь бозори.



ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

15 майда

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» СИСТЕМАСИДА **ЯНГИ УНИВЕРСАЛ САНОАТ МОЛЛАРИ КОМИССИОН МАГАЗИН ОЧИЛДИ**

Магазин соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш куни —душанба.

БУЮМЛАР ДУШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Магазин адреси Лохутий кўчаси, 23-уй (1, 5, 13, 3, 22, 28-трамвайларда «Санъат музейи» бекатигача борилади.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» (телефон 56-56-15).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
21 МАЙ СОАТ 19.30 ДА
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ
ЎЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СПЕКТАКЛИ ҚЎЙИЛАДИ.

ОЙБЕК

«ҚУТЛУҒ ҚОН»

(уч пардали драма)

Инсценировка муаллифи — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва А. Тўқай номидаги ТАССР Давлат мукофотининг лауреати **Тошхўжа ҲЎЖАЕВ.**

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Рустам ҲАМИДОВ.**

Рассом — Анатолий ЖИБОЕДОВ.

Композитор — Нурилла ЗОКИРОВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Н. РАҲИМОВ;

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Е. АҲМЕДОВ, Т. АЗИЗОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Я. АВДУЛЛАЕВА;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати О. НОРБОЕВА;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, Ж. ТОЖИЕВ, М. ОРИПОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Л. БАДАЛОВА, Р. ЕҚУБОВ, О. ЮНУСОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Т. МЎМИНОВ, С. УМАРОВ;

артистлар: Г. ЗОКИРОВА, З. ИСМОИЛОВА, А. РАФИҚОВ, П. НОСИРОВ, Ж. ЗОКИРОВ, Э. КОМИЛОВ, Д. КАРИМОВА.

Театрнинг бош режиссёри— Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Латиф ФАЙЗИЕВ.

Билетлар СССР Халқлари Дўстлиги саройи ва Ҳамза театри кассаларида соат 10 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
17 МАЙДА
ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА
ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ОТЧОПАР ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 10.00 ДАН ОЧИҚ
ШУ КУНИ
ПОЙГА ВА УЛОҚ ЎТКАЗИЛАДИ

Бир пойга ёки улоқда қатнашиш учун билет баҳоси — 1 сўм.

ОТЧОПАРДА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛАДИ: сайр қилиш учун отлар прокатга берилади. 1 соатга отни прокатга олиш баҳоси — 3 сўм;
кичик ёшдаги болалар фаэтонда сайр қилишади.
Бир билетнинг баҳоси — 30 тийин.
«БЕГА» ресторани ишлайди.

ҲУРМАТЛИ ОТ СПОРТИ ИШҚИБОЗЛАРИ!
СИЗЛАР УЧУН ЯНГИ МАВСУМДАН БОШЛАБ ОТЧОПАРДА БУЮМЛАР ЛОТЕРЕЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

УНДА ЖУМЛАДАН ИККИТА «ЖИГУЛИ» АВТОМОБИЛИ, МОТОЦИКЛЛАР, ВЕЛОСИПЕДЛАР, ГИЛАМЛАР, ИККИТА «РИГА» МОПЕДИ ВА БОШҚА ЮТУҚЛАР ЎЙНАЛАДИ.

Бир дона лотерея билетининг баҳоси — 1 сўм.
Отчопарга кириш билети — 1 сўм.

Билетлар тасдиқланган тақсимотга кўра корхоналар, ташкилотларда сотилади — битта кириш билетига 3 та лотерея билети қўшиб сотилади; Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва уруш қатнашчиларига ҳамда улар билан тенг имтиёзга эга бўлган кишиларга тегишли ҳужжат кўрсатилган тақдирда битта кириш билетига 4 та лотерея билети қўшиб сотилади.

БИЛЕТЛАР ШАҲАР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИДА — **Пролетар кўчаси, 31-уйда, душанба, чоршанба, жума кунлари — соат 15 дан 19.00 гача; сешанба, пайшанба кунлари — соат 10 дан 14.00 гача тарқатилади. Телефон — 33-84-34.**

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг — «Собир Раҳимов» станцияси; 153, 173, 172, 180, 448-автобуслар; 17-трамвайнинг «Отчопар» бекати).

СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
76-76-28, 76-43-60 — БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА;

76-75-47 — ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА.

ҲАММАСИ ПАХТАДАН!

КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА 16 май куни
СОАТ 12 ДАН БОШЛАБ
шаҳримизнинг энг яхши бичиқчилари
ХАРИДОРЛАРГА ХОМ. СУРПДАН ТАЙЁРЛАНГАН МОДЕЛЛАР—ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИЛАР.

Шу ернинг ўзида сиз харид қилган хомсурп матони ўзингиз танлаган андазага кўра бичиб ҳам беришади.

Соат 17.00 дан бошлаб Тошкент тўқимачилик институти студентлар моделлар уйи хомсурпдан тикилган ўз либослари коллекциясини намойиш этади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси,
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Собир Раҳимов районидаги 24-мактаб коллективи шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси **Ойтўра ИСЛОМОВАнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-56.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 10755. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2124. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.